



Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi “DAVR” auditorlik tashkiloti

“UCHQO’RG’ON DON MAHSULOTLARI” aktsiyadorlik jamiyatining 2022 йил молиявий ҳисоботларини Mas’uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi “DAVR” auditorlik tashkiloti томонидан аудит текширувидан ўтказилганлиги юзасидан корхонага тақдим этиладиган

МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Mas’uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi “DAVR” auditorlik tashkiloti Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 июнда реестрига олинган.

Биз “UCHQO’RG’ON DON MAHSULOTLARI” акциядорлик жамияти 2023 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси, 2022 йил учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботидан иборат молиявий ҳисоботини, шунингдек молиявий ҳисоботларга тушунтиришларни, ҳисоб сиёсатининг асосий қоидаларининг қисқача шарҳини қўшган ҳолда, аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда 2022 йил 31 декабрь ҳолатига Корхонанинг молиявий ҳолатини, шунингдек унинг молиявий натижаларини ва пул маблағларининг шу санада тугаган йилдаги ҳаракатини Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига (БҲМС) мувофиқ равишда **ишончли тасаввур беради.**

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БҲАСК) “Профессional бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ҳамда бошқа белгиланган мажбуриятларни бажарилишини ўргандик. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун изоҳлар билан етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Корхона раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлик масъулияти

Корхона раҳбарияти молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишни Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га асосида ўтказмаган.

Корхона Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари” (БҲМС) га мувофиқ тузганлиги аниқланди. Корхона раҳбарияти ҳисоботларни ҳаққоний ва ишончли тақдим этиш, фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларнинг аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар ўз ичига виждонсизларча ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги муҳим бузилишларни олмаганлигига оқилона ишончни қўлга киритишдан ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатишлар мавжудлигида уларни ҳамма вақт очиқ беришининг кафолати бўла олмайди. Бузиб кўрсатишлар виждонсизларча ҳаракатларнинг ёки хатоларнинг натижаси бўлиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки жамланган ҳолда фойдаланувчиларнинг шу молиявий ҳисоботлар асосида қабул қиладиган қарорларига таъсир этишлари мумкин деб асосли тахмин қилиш мумкин бўлса, муҳим деб ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти номидан:

Аудиторлик ташкилоти раҳбари-аудитор:



Нурматов Авазбек

Аудитор малака сертификати № 05483. ЎзР молия вазирлиги томонидан 2017 йил 9 июнда берилган.

Аудиторлик ташкилоти манзили: Наманган шаҳри, Хуррият кўчаси, 22 уй.

Сана 2023 йил 30 март